*Фикрлаш – ўзинг билан ўзинг баҳслашиш демакдир!*

# INTELLEKT

*ижтимоий-таълимий, маданий-маърифий газета*

*2021 йил – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили*

**2020-yil 2-sentabrdan chiqa boshlagan ● 2021-yil, 30-aprel № 8(16) ● www.samdchti.uz ● E-mail:intellektinfo@inbox.uz**


## ЁШЛАРИМИЗ ДУНЁ ҲАМЖАМИЯТИДА РАҚОБАТБАРДОШ КАДР БЎЛИБ ЕТИШИШИГА АМИНМИЗ

**Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлардаги ўзгаришлар, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида Самарқанд вилоятига қилган ташрифи чоғида шаҳар ва туманлардаги саноат корхоналари, туризм мажмуалари, транспорт инфратузилмаси ҳамда янги қурилаётган бино ва иншоотлар билан яқиндан танишди.**

Шунингдек, давлат раҳбари Самарқанд шаҳрида ўтказган вилоят фаоллари йиғилишида вилоят олий таълим тизимида ҳам катта ўзгаришлар бўлишини маълум қилди ва масъулларга бир қатор вазифа ҳамда топшириқларни белгилаб берди. Хусусан, Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори сифатида 2021-2022 ўқув йилида бўладиган ўзгаришлар тўғрисида маълумот бериб ўтаман.

Бугунги кунда институтда 4 та факультет, 7 803 нафар талаба ҳамда 449 нафар профессор-ўқитувчилар ўзларининг фаолиятини давом эттириб келишмоқда. Бинобарин, 12 та тил бўйича бакалавр ҳамда магистр мутахассис кадрларни тайёрлаб чиқаряпмиз.

Йилдан йилга институтга ўқишга кириш мақсадида ҳужжат топширувчилар ҳамда талабалар сони тобора ортиб бормоқда. Бу эса ўз-ўзидан, янгидан янги ўқув бинолари, талабалар турар жойлари ва кутубхоналарни қуришни, жумладан, янги таълим йўналишлар, факультетлар ҳамда филиалларни очиш кабиларни тақазо этмоқда.

Шу муносабатда, Президентимиз топшириқларига биноан 2021-2022 ўқув йилида вилоятнинг Нарпай ҳамда Пайариқ туманларида "Мактабгача ва бошланғич таълимда хорижий тил (инглиз тили)" ва "Хорижий тил ва адабиёти: инглиз тили" факультетларини ташкил этяпмиз. "Нега айнан ушбу икки тумандан очяпсизлар?" деган савол туғилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил сентябрдаги "Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 5812-сонли Фармонига асосан Нарпай туманидаги хизмат кўрсатиш техникуми ҳамда Пайариқ туманидаги иқтисодиёт ва сервис касб-ҳунар коллежлари Самарқанд давлат чет тиллар институти тасарруфига ўтказилган. Ушбу икки тумандаги иншоотлар ҳам эскириб, фойдаланишга яроқсиз ҳолатга келиб қолган. Биз буларни тўлиғича қайта таъмирдан чиқарамиз, талабаларнинг замонавий таълим олишлари учун зарур имкониятларни яратамиз ва бу борада амалга ошириладиган ишлар юзасидан вазифаларни белгилаб олдик.



Мазкур иккала туманда очиладиган факультетлардаги таълим йўналишларига, яъни "Хорижий тил ва адабиёти: инглиз тили" йўналишига 60 тадан, "Мактабгача ва бошланғич таълимда хорижий тил (инглиз тили)" йўналишига 40 тадан квота, жами бўлиб ҳар бир факультетга 100 тадан абитуриентни ўқишга қабул қилишни соҳага тегишли вазирлик масъул ходимлари биргалигида режалаштирмоқдамиз. Бундан кўзланган асосий мақсад чекка ҳудудлардаги ёшларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда уларнинг олий таълим муассасаларига қамровини оширишдир.

Шу билан бир қаторда, бугунги кунда Самарқанд давлат чет тиллар институтида 7 803 нафар бакалавр ва магистрантлар таҳсил олиб келишмоқда. Ҳозирда институтда таҳсил олувчи талабаларнинг 638 нафари институтдаги мавжуд талабалар турар жойида яшайди, шундан 1 979 нафари институт атрофидаги маҳалла фуқаролар йиғинларида ижарада истиқомат қилиб келишмоқда.

Эҳтиёжларимиздан келиб чиқиб 2021-2022-ўқув йили учун 20 миллиард сўмга давлат хусусий шерикчилик (ДХШ) асосида 1 та 600 ўринга мослашганган талабалар турар жойини, шунингдек, институтнинг ўз маблағлари ҳисобидан 14 миллиард 153 миллион 900 минг сўмга 3 қаватли замонавий Ахборот ресурс марказини қурамиз. Ушбу қурилиш ишларининг якунланиш вақти 2022-йилнинг апрель ойи этиб белгиланди.

Ҳозирда мавжуд ва фойдаланишга яроқсиз бўлиб турган 1000 ўринга мослашган 4 қаватли ўқув биноси ҳамда 200 ўринга мослашган талабалар турар жойини 16 миллиард 323 миллион 100 минг сўмга тўлиқ, мукаммал қайта таъмирдан чиқаришни ва 2021-йилнинг ноябрь ойида фойдаланишга топширишни режалаштирганмиз. Биз бу билан талабаларни тўлиқ турар жой билан таъминлаб оламиз ва замон талабларига мос жиҳозланган ўқув хоналарида таълим олишларига имкон яратган бўламиз.

Бундан ташқари, институт атрофидаги маҳаллаларда истиқомат қилаётган "Темир дафтар", "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари" рўйхатида турган, уюшмаган ёшларни бирлаштириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ҳамда уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги ишларни амалга оширишни биз ўз олдимизга асосий мақсад қилиб олдик:



— Қизларимизни оилавий ҳаётга тайёрлаш психологик марказини ташкил этиб, 100 нафардан ортиқ хотин-қизларни жалб этиш;

— Ёшларнинг компьютер саводхонлигини ошириш мақсадида АКТ билан ишлаш курси орқали 300 нафар, тадбиркорлик ва касбга йўналтириш курсига 200 нафар ёшларни қамраб олиш;

— Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш ва уларнинг спортга бўлган қизиқишларини янада ошириш мақсадида спортнинг стол тенниси турига 100 нафар, футбол тури бўйича 100 нафар, волейбол тури бўйича 100 нафар, шахмат-шашка тури бўйича 100 нафар ёшларни жалб этиш;

— Ёшларнинг тил кўникмаларини ошириш, уларга хорижий тилларни мукаммал ўргатиш орқали ОТМга жалб қилиш мақсадида турли бепул тил курсларини (инглиз тили 300 нафар, немис тили 50 нафар, француз тили 50 нафар, хитой тили 50 нафар, япон тили 50 нафар, корейс тили 50 нафар) жорий этиш;

— Маҳаллаларда истиқомат қилаётган ёшларнинг маънавий дунёқарашини шакллантиришга кўмаклашиш мақсадида ташкил этиладиган заковат клубига 200 нафар, ҚВЗ клубига 100 нафар, китобхонлик тўгаракларига 200 нафар, "Таржимон" театр студиясига 100 нафар ёшларни қамраб олиш кабилар.

Ушбу механизм орқали 300 нафар ёшларнинг бандлигини таъминлаш, 200 нафар ёшларни касб эгаларига айлантириш, 350 нафар ёшларни ОТМга қамраб олиш, 200 нафар ёшларнинг тил билиш даражаси ошириш, 1000 нафар ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишни мақсад қилганмиз.

Институтимиз талабаларининг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда маданият вазирлиги билан ҳамкорликда мусиқа ижрочилиги, анъанавий хонандалик ва рақс санъати бўйича талабалар ҳаваскорлик ансамбллари ташкил этилади. Эндиликда вилоят Маданият бошқармаси билан ҳамкорликда институтда ҳафтада икки марта, талабалар турар жойида ҳафтада бир марта таниқли маданият ва санъат ходимлари билан ижодий учрашувлар, спектакллар, концерт-томоша дастурлари, миллий мақом куйлари кечаларини ташкил этиш режалаштирилди.

Албатта, бу қилинаётган ишлар, инсон капиталига ажратилаётган сармоялар, айниқса, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга, уларга келажакда янада кўпроқ имконият ва енгиллик яратиш мақсадида амалга оширилмоқда. Бу эса ёшларимиз дунё ҳамжамиятида ўз ўрнини топиши ҳамда халқаро доирада рақобатбардош, юртимиз номини юксакларга кўтарадиган кадрлар бўлиб етишишига хизмат қилади.

**Илҳомжон ТЎХТАСИНОВ,**
**Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори.**

---

**Кейинги йилларда мамлакатимиз халқ таълими тизимида қатор ислоҳотлар амалга оширилиб, таълим сифати ва самарадорлигини оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Фарзандларимизнинг узлуксиз таълим-тарбия олишлари учун кенг имкониятлар яратилди. Хусусан, янги, замонавий, барча қулайликлар ва талабларга мос келадиган таълим масканлари нафақат шаҳарларда, балки қишлоқ ва овулларда ҳам барпо этилмоқда.**

## КЕЛАЖАК БУНЁДКОРЛАРИ ЭЪТИБОРДА

Ўқувчиларнинг тўлақонли билим олишлари ва келажакда яхши касб эгалари бўлиб етишишлари учун белгиланган чора-тадбирлар доирасида ишлар олиб бориляпти.

Ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, касб-ҳунарга йўналтириш ҳамда олий таълим муассасаларига ўқишга кириш кўрсаткичини ошириш мақсадида Булунғур туман Халқ таълими бўлимига қарашли мавжуд умумий ўрта таълим мактабларининг психологлари томонидан муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Туманда 69 та умумтаълим мактаби мавжуд бўлиб, уларда 36 минг 557 нафар ўқувчи таълим-тарбия олади. Ўқувчиларнинг замон талаблари даражасида билим олишлари, уларни ижтимоий ҳамда психологик қўллаб-қувватлаш, илм-фан ва касб-ҳунарга қизиқишларини ошириш, психологик иммунитетини шакллантириш мақсадида пухта ва аниқ вазифалар белгилаб олинган.

Умумтаълим мактабларида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, турли тадбирлар ўтказилиб келинмоқда. Жумладан, 36-умумтаълим мактабида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш доирасида "Одам ва табиат" касб турлари бўйича "Касблар ярмаркаси" ўтказилди. 10-11-синф ўқувчиларидан ташкил топган жамоалар ўртасида эса "Менинг келажакдаги касбим" мавзусида интеллектуал ўйинлар ўтказилди. "Устоз-шогирд" анъанасига кўра ўқувчилар устозларидан ўрганган турли касблар бўйича ўзлари ясаган, тўқиган ва ихтиро қилган маҳсулотлари билан кўргазмада иштирок этишди. Айниқса, 7-синф ўқувчиси Самандарнинг ихтироси кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Халқ таълими бўлими тумандаги мавжуд касб-ҳунар мактаблари билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйган. Режага кўра "Касблар фестивали" номли очиқ эшиклар куни тез-тез ўтказиб борилади. Бунга умумтаълим мактабларининг 9- ва 11- синф битирувчилари таклиф этилади.

(Давоми 2-бетда)

---

## ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ ДАВОМ ЭТАДИ

**Мамлакатимизда жисмонан соғлом, маънан етук мустақил фикрлайдиган, билимли ва замонавий дунёқарашга эга, ватан тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган баркамол ёш авлодни тарбиялаш борасида мақсадли вазифалар белгилаб олинган.**



Айниқса, таълим-тарбия тизимининг сифати ва самарадорлигини ошириш билан бир қаторда ўқувчиларни касбга йўналтириш борасида умумтаълим мактабларининг психологлари томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Булунғур туман Халқ таълими бўлимига қарашли 56-умумий ўрта таълим мактабида бўлиб ўтган кўргазмали тадбир "Касбим фахрим" деб номланди. Мактабнинг юқори синф ўқувчиларининг қўл меҳнати билан яралган зардўзлик, тикувчилик, дуродгорлик ҳамда механизмли ҳаракатлар яратиш усуллари каби кўплаб йўналишларда тайёрланган маҳсулотларининг кўргазмаси бўлиб ўтди. Тадбир давомида ўқувчи-қизлар касбий маҳоратларини ошириш мақсадида тикувчилик, соч турмаклаш ҳамда баҳорий салатлар тайёрлаш каби шартлар бўйича ўзаро беллашишди.

Тадбир сўнгида ўқувчиларнинг касбга қизиқишлари қўллаб-қувватланиб, фаол иштироклари учун муносиб тақдирландилар.

**Ўз мухбиримиз.**

---

**Маълумки, таълим-тарбия ҳар қандай миллат ва жамият тараққиётида энг муҳим аҳамият касб этувчи омил ҳисобланади. Бугунги кунда, ривожланган давлатларнинг деярли барчасида илм-фан ва таълим равнақига эътиборнинг юқори эканлиги натижасида қолган соҳаларнинг ҳам юксалаётганлигини кузатиш мумкин.**

Шунинг учун сўнгги йилларда юртимизда ҳам барча соҳаларни ривожлантириш мақсадида фан ва таълим соҳасида туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Соҳадаги ўзгаришларни тадрижий давом эттириш мақсадида Президентимиз томонидан қатор фармон ва карорлар қабул қилинмоқда. Хусусан, Юртбошимиз томонидан 2020-йил 6-ноябрда қабул қилинган "Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4884-сон Қарорида ҳам соҳа тараққиётини таъминлаш мақсадида амалга оширилиши керак бўлган ислоҳотлар белгиланган.

## ЎҚИТУВЧИЛАР ТАЯНЧ ВА СУЯНЧИМИЗДИР

Қарордан келиб чиқадиган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида барча таълим вазирликлари томонидан республика миқиёсида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, юртимизнинг марказий шаҳарларидаги таълим муассасаларидан тортиб, энг чекка туман ва қишлоқларда жойлашган билим масканларининг ҳам моддий-техник базасини яхшилаш, зарур бўлган барча шароитларни яратиб бериш, керакли ўқув-қуроллари ҳамда қўлланмалар билан таъминлаш ишлари амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, энг чекка ҳудудларда истиқомат қиладиган ўқувчиларни ҳам олий таълимга жалб қилиш мақсадида республикамизнинг турли вилоятларида янги институтлар ва мавжуд институтларнинг филиаллари ташкил этилиб, талабаларнинг узлуксиз ва сифатли таълим олиши таъминланмоқда.

Бу каби ислоҳотларнинг амалга оширилиши, юртимизда илм-фан ва таълим соҳасини ривожлантириш, шубҳасиз, малакали педагог кадрлар ва ўз ишининг устаси бўлган фидойи ўқитувчилар фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир. Сўзимизнинг исботи сифатида, Президентимизнинг ўз нутқларидан бирида "Ўқитувчи ва мураббийлар – янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суянчимиздир" – деган сўзлари ўқитувчи мақомининг оширилишига катта туртки бўлди, десак янглишмаймиз. Айниқса, кейинги 2-3 йилнинг ичида ўқитувчиларнинг фақат ўз соҳасига эътибор қаратиши, бошқа жамоат ишларига вақт сарфламаслиги, фаолияти давомида ортиқча қоғозбозликларга йўл қўйилмаслиги таъминлаб келинмоқда. Бундан ташқари, уларнинг касбий дахлсизлиги, дарс жараёнидаги ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси қонун билан белгиланди.

Сўнгги йилларда ўқитувчиларнинг маоши бир ярим баробарга оширилди. Ўқитувчилар фаолияти давомида қўлга киритган ютуқлари, билим бериш даражаси, ўқувчилари фан олимпиадалари ва бошқа нуфузли мусобақаларда юқори натижалар қайд этганлигига кўра муносиб тақдирланмоқда. Мазкур ишлар таълим соҳасида жонбозлик кўрсатаётган муаллимларнинг ўз вазифасини сидқидилдан бажаришида ўзига хос рағбат бўлиб хизмат қилмоқда.

Соҳада фаолият юритаётган тарбиячилар, мураббийлар ва профессор-ўқитувчилар юртнинг мустаҳкам таянчидир. Шундай экан, уларнинг қадр-қиммати ва ҳурматини жойига қўйиш ҳамда фидокорона меҳнатларининг қадрига етмоғимиз лозим. Бу эса, шубҳасиз, мамлакатимизнинг ҳар томонлама юксалишида, ривожланган давлатлар қаторида ўз ўрнини янада мустаҳкам эгаллашида пойдевор вазифасини ўтайди.

**Анвар БОБОДЎСТОВ,**
**Нуробод туман ХТБ методисти.**

---

**Ҳозирги кунда замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган, юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнининг сифатини янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор технологияларга асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.**

## ҲАМКОРЛИКДА ЭКОЛОГИЯ ВА БИОХИЛМА-ХИЛЛИК МУАММОЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Бугунги кунда фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш асосида таълим сифатини яхшилаш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш асосий аҳамиятга молик масалалар ҳисобланади. Ушбу соҳаларни ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019-йил 11-июлдаги "Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4391-сон Қарори ва 2019-йил 8-октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030-йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5847-сон Фармонида алоҳида вазифалар кўрсатиб ўтилган. Жумладан, халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтиш, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш, профессор-ўқитувчилар, илмий изланувчилар, докторантлар, бакалавриат ва магистратура талабаларининг юқори импакт-факторга эга, нуфузли халқаро илмий журналларда мақолалар чоп эттириши сингари масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.



Ҳозирги кунда олий таълим стандартларини хорижий тажриба асосида такомиллаштириш, ўқув жараёнини кредит-модуль тизимига ўтказиш асосий вазифалардир. Бу соҳада ҳамкорлик ишларини амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга. Шуни инобатга олган ҳолда, 2020-2021-ўқув йилидан Самарқанд давлат университети Экология ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги кафедраси Россия Халқлар дўстлиги университети билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўймоқда. Бу ишларни амалга оширишда Самарқанд давлат университети Халқаро алоқалар бўлимининг ёрдами катта бўлмоқда. 2021-йил 3-апрель куни Самарқанд давлат университети, Россия Халқлар дўстлиги университети, В.И.Вернадский номли Халқаро Экологик фонд ва Москва вилоят университети, Дубна университети ҳамкорлигида Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида "Яшил университетлар" мавзусида фестиваль бўлиб ўтди. Фестивалда Самарқанд давлат университети Экология ва атроф-муҳит йўналиши "Ёш эколог" гуруҳи доцент М.Жўраев раҳбарлигида талабалар — Нозалина Мелибоева, Мансур Умаров, Саломат Умарова, Нурбек Рашидов, Дилниёз Сатторов ва Ширин Рахматуллаевалар фаол иштирок этишди.

(Давоми 4-бетда)

# КЕЛАЖАК БУНЁДКОРЛАРИ ЭЪТИБОРДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Ўқувчилар касб-ҳунар мактабида мавжуд йўналишлардан тикувчилик, сартарошлик, электромонтёр, оқова сув ва сув таъминоти тизимларидан фойдаланиш ва монтаж қилиш устаси каби ўнлаб йўналишлар билан танишиб ўзларини қизиқтирган соҳаларни танлашлари ва эгаллашлари учун катта имконият яратади.

Булунғур туман Халқ таълими жамоаси мамлакатимизда таълим тизимининг барча бўғинларида, жумладан, олий ва умумий ўрта таълим тизимини модернизация қилиш, илм-фанни ривожлантириш, ўқитишнинг замонавий шакли ҳамда технологияларини жорий этиш бўйича олиб борилаётган ишларнинг кўлами кенг. Бу борада туман Халқ таълими бўлими умумтаълим мактабларида ўқитишда янгича ёндашувлар бўйича Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Режага кўра олийгоҳнинг "Ижтимоий фанлар кафедраси" доцент ва катта ўқитувчиларининг навбатдаги учрашуви 23-умумий ўрта таълим мактабида бўлиб ўтди. Тарих, давлат ва ҳуқуқ асослари фанларини ўқитишда педагогик технологияларга ёндашув мавзусида профессор-ўқитувчилар ўқувчилар билан учрашдилар, сўнгра уларга тарих фанидан маҳорат дарсларини ўтдилар.

Бир соат бесамар ўтилган дарс эртанги кунга қилинган хиёнатдир. Шуни инобатга олган педагоглар ҳар бир ўтилган дарс бесамар бўлмаслиги, аксинча, сифат ва самарадорликка эришиш, келажак авлодга сифатли таълим беришга сидқидилдан ёндашилади.

Шу ўринда Абдулла Авлонийнинг «...тарбия биз учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё саодат - ё фалокат масаласидир», деган ҳикматли сўзларини ёдга олмай иложимиз йўқ. "Таълимга тикилган сармоя – энг яхши сармоядир". Зеро, ёшларга эътибор – келажакка эътибор.

**Ваҳобжон АВАЗОВ.**

# ОЛОВ - ТИЛСИЗ ЁВ

## У ҳеч кимни, ҳеч нарсани аяб ўтирмайди

**Ҳаётимиз турли ҳодисаларга тўла. Ёнғин беparволигимиз оқибатида содир бўлсада, биз айбдорларни четдан қидирамиз.**

Таҳлил ва кузатишлар натижаларига кўра, фуқароларнинг газ ва электр энергиясидан



нотўғри фойдаланиши, спиртли ичимлик ичиб, сигарет чекиши, ёш болаларнинг қаровсиз қолдирилиши оқибатида келиб чиққан ёнғинлардан ҳар ким ўз вақтида хулоса чиқариб олмаётганлиги таажжубли ҳолдир. Ёнғинни "тилсиз ёв" деб, беҳуда таърифлашмаган, чунки у фавқулодда одам ҳаёти, унинг мол-мулкига тажовуз қиладиган офатлар ичида энг каттасидир. Шундай экан, кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олиш учун белгиланган қоидаларга доим амал қилишни унутманг.

**Тоштемир ШАКАРОВ,**
**Қўшработ туман Фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғи ўринбосари.**

# ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

**Ҳар қандай жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ривожлантириб бориш қонун устуворлигини таъминлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Бунга эришиш учун эса жамиятда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан муносабатини шакллантириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятдаги инсонларнинг ҳуқуқий саводхонлик даражасини ошириш муҳим аҳамият касб этади.**

Бунинг учун жамиятнинг барча қатламлари ҳуқуқий билим, онг ва маданиятга эга бўлишлари ҳамда уни кундалик ҳаётда қўллай олишлари учун тизимли ва кенг қамровли тарғибот ишларини амалга ошириш зарур. Хусусан, бу каби тарғибот ишлари нафақат давлат органлари ва идоралари томонидан, балки жамиятдаги ҳар бир шахс, оила, маҳалла, таълим муассасалари ва ташкилотлари ўртасида биргаликда амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

Жамиятда ҳуқуқий онг ва маданият, ҳуқуқий таълим-тарбияни шакллантириш ва уни ривожлантириб бориш тизимли тарзда амалга оширилиши зарур. Мазкур ишларнинг амалдаги ижросини таъминлаш мақсадида Президентимиз томонидан 2019 йилнинг 9 январида ПФ-5618 сонли "Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш" тўғрисидаги фармон қабул қилинди. Фармонга мувофиқ, давлат идоралари, ташкилотлари, шаҳар, туман, маҳаллалар томонидан амалга оширилиши керак бўлган ишлар белгиланди. Аввало, давлат идоралари ва ташкилотлари томонидан аҳолининг барча қатламларига ҳуқуқий ахборотларни тез



ва самарали етказиш, уларни қизиқтирган ҳуқуқий масалаларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва уларни аҳолига етказиш масаласига эътибор қаратиш қайд этилган.

Бундан ташқари, соҳага оид қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини ва аҳамиятини аҳолига тушунтириш, бу йўлда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда иш олиб бориш тизимини ислоҳ қилиш масалаларига эътибор қаратилган. Мазкур Фармоннинг ижросини таъминлаш ва аҳолининг барча қатламларида ҳуқуқий тарбия даражасини юксалтириш мақсадида жойларда тарғибот ва ташвиқот ишлари амалга оширилиши зарур. Жамиятдаги барча шахсларга ҳуқуқий билимлар бериш, ҳуқуқий маълумот йўқлиги оқибатида юзага келиши мумкин бўлган салбий ҳолатларнинг олдини олиш зарур. Кичик ёшдаги ўқувчилардан тортиб, катта ёшдаги оддий фуқароларга хам уларни қизиқтирган ва кейинги фаолиятлари давомида асқотадиган ҳуқуқий ахборотларни етказиш, ҳуқуқий билимлари камлиги сабаб ҳар хил қийин вазиятларга тушиб колган айрим кишиларни мисол тариқасида келтириш ва бошқалар билан ҳам шундай воқеалар кузатилишининг олдини олишга ҳаракат қилмоғимиз зарур. Бунда, оила ва таълим муассасалари ҳамкорлигида ёшлар онгига ҳуқуқий саводхонлик ғояларини сингдириш, уларда ҳар хил ҳуқуқбузарликларга қарши муросасизлик туйғуларини шакллантириш жуда аҳамиятлидир. Бу йўлда мактабгача таълимдан бошлаб олий таълимга қадар ёшларга босқичма-босқич ҳуқуқий ахборотларни бериб бориш, уларнинг онгида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, ривожлантириш ва мустаҳкамлаш зарур.

Ҳар бир ўқув муассасида таълим олувчиларнинг қизиқишини оширадиган, улар учун керакли бўлган барча билимларни беришга қаратилган тадбирлар ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, аҳолининг барча қатламларида ҳуқуқий саводхонликни юксалтириш мақсадида оммавий ахборот воситалари, давлат органлари ва маҳаллалараро амалга ошириладиган тизимли ва самарали ишларни йўлга қўйиш ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан хабардор, барча қонун-қоидаларнинг мазмунини тўлалигича англаб етадиган жамият шаклланишида пойдевор бўлади. Зеро, юксак ҳуқуқий маданият ҳар қандай мамлакат тараққиётининг кафолатидир.

**Лола НАРЗУЛЛАЕВА,**
**Самарқанд шаҳридаги хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус.**

# ЧЕТ ТИЛИНИ ЎРГАНИШДА СЎЗ БОЙЛИГИНИ ҚАНДАЙ ОШИРИШ КЕРАК?

**Бугунги кунда таълимдаги устувор вазифаларни белгилаш ва ислоҳ қилиш мақсадида қабул қилинаётган қарорлар, шубҳасиз, мамлакатнинг илмий, иқтисодий, сиёсий ва маъданий юксалишига таъсир қилмоқда. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида жорий қилинган таълим тизимидан келиб чиққан ҳолда, бизнинг мамлакатимизда ҳам болаларга чет тилларини боғча ёшидан ўқитиш йўлга қўйилган.**

Умуман, чет тилларини ўрганишда яна нималарга эътибор қаратиш лозим? Ушбу жараёнда ўқувчиларнинг сўз бойлигини ошириш ва ўрганган сўзларини нутқда қўллай олишларини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Ўқувчи ёки талаба янги бир тилни ўрганар экан, унда ушбу тилга нисбатан меҳр ва ҳурмат уйғонмоғи учун дарс жараёни мумкин қадар жонли мулоқот тарзида ташкил этилиши зарур. Таълим олувчиларда бир тушунча ёки фикрни турли сўзлар, бирикмалар ёки гаплар орқали ифодалаш қобилиятини шакллантириш лозим. Бунинг учун ўқувчи-талабалар, албатта, муҳим ўқув луғатлардан хабардор бўлишлари талаб этилади. Тил ўрганишни энди бошлаганларнинг кўпчилиги сўзларни ёдлашда юзага келадиган қийинчиликлардан шикоят қилади. Шунинг учун ҳам, тил ўрганиш жараёнида, луғат бойлигини ошириш учун турли сўз бирликларидан фойдаланиш лозим.

Жумладан, сўзни эслаб қолиш ва нутқда қўллаш бўйича бир неча машқларни кўриб чиқамиз. Масалан, пул сўзини ўрганишимиз керак бўлса, уни шу сўз билан ишлатиладиган қатор бирликлар билан ўрганишимиз керак.

— Мен пул топдим.

— Сиз менинг пулимни олдингиз.

— Биз пулни сарфладик.

— Вақт – пул

Янги хорижий сўзларни ўзлаштиришда энг муҳими, амалий машқлар бажаришдир. Масалан, ёзилиш шаклига кўра яқин бўлган сўзларни ёзиб олиб, сўз бирликлари ва гапларда қўллаб ёдлаш ҳам яхши самара беради. Буни **Play** сўзи асосида кўрамиз:

**Activity:**

*Playtime* - ўйин вақти
*Playboy* - шўх бола
*Play-field* - ўйин майдончаси
*Playground* - ўйин майдончаси
*Playful* - шўх
*Playmate* - бирга ўйнайдиган шерик
*Playwright* - драматург
*Plaything* - ўйинчоқ

**1.** When is your playtime?
**2.** My son is a very playboy.
**3.** He is my playmate.
**4.** There are a lot of children in playfield. (OR playground)
**5.** Who is England's the greatest playwright?
**6.** All of children like playthings.

Fill in the sentences below the correct forms of the words.

Lend owe borrow debt loan

**1.** I________ a romantic novel from the library.

**2.** I'm going to ask my father for a ________ of $ 500 so I can buy he'll agree?

**3.** If I ________ you this shirt I know I'll never get it back in one piece.

**4.** I've spend so much money this month I'll soon be running into________

**5.** I'm still waiting for you to me back that fiver you ________ me.

*Lend* - вақтинча бериб турмоқ, қарз бериб турмоқ
*Owe* - қарз бўлмоқ, арзимас қарз
*Borrow* - қарз олмоқ
*Debt* - қарз
*Loan* - пул кўринишида қарз олмоқ.

Тил ўрганишда ҳар бир ўқувчи-талаба ўзининг ёши ва даражасига мос электрон материаллардан: аудио файллар, субтитрли кинолар, ўрганаётган тилидаги қўшиқлар, бундан ташқари, эртак китоблар, катта-кичик насрий ва назмий адабиётлардан фойдаланиши уларнинг билим даражаси янада ошишига хизмат қилади.

Шу билан биргаликда, дарс жараёнида ўқувчиларни гуруҳларга бўлиб мусобақалар ташкиллаштириш, мавзу юзасидан муҳокамалар қилиш, ҳикояларни ўқиб таҳлил қилиш, ўқув йили якунида эса табиат қўйнига саёҳат қилиш ўқувчиларга назарий билимларни амалиётда қўллаш имконини беради.

**Баҳора НАПАСОВА,**
**Самарқанд туманидаги 31-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси.**

# КОРРУПЦИЯСИЗ ПОРЛОҚ КЕЛАЖАК

**Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришнинг умумий стратегиясини амалга ошириш доирасида қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш юзасидан қатор чора-тадбирлар изчил амалга ошириб келинмоқда.**

Тарихан қисқа давр ичида мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашнинг институционал ва ҳуқуқий асослари шакллантирилди, коррупцияга қарши курашишнинг самарали тизими яратилди. Унинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, коррупцияга қарши курашнинг самарали йўлларини топиш бўйича мутахассислар, турли институтлар ва халқаро ташкилотлар томонидан юзлаб, минглаб тадқиқотлар ўтказилган. Ўзига хос рейтинглар тузилиб, ҳар хил кўрсатгич ва рақамлар қайд этилган жадваллар яратилган. Ҳатто, коррупциянинг хилма-хил кўринишидаги формулалар ҳам ишлаб чиқилган. Аммо ҳанузгача, барча миллатлар учун қўл келадиган, қарши курашда асқотадиган ягона ечим йўқ. Гап шундаки, коррупциянинг асл илдизи унинг пайдо бўлиш географиясига бориб тақалади. Хўш, Ўзбекистонда қандай омиллар унинг куртак отиб, "гуллаб-яшнаши"га шароит яратмоқда?



Аҳоли ҳуқуқий саводхонлигининг пастлиги. Аҳолининг қонунларни билмаслиги ёки тушунмаслиги мансабдор шахсга ўзининг шахсий манфаати йўлида қонунларга хилоф иш тутишига қулай шароит яратади.

Мамлакатдаги сиёсий вазиятнинг нотинчлиги. Мамлакатдаги нотинчлик биринчи навбатда аҳоли онгида ҳаётда юксак турмуш даражасига эришишнинг асосий усули қонунга хилоф фаолият билан боғлиқ деган нуқтаи назар шаклланишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида коррупцион ҳолатлар юзага келиши учун замин яратади.

Бу иллат қадим замонларда қабиладагилар сардорларига "совға бериш"лари орқали юзага келган деган қарашлар мавжуд. Аниқ қилиб айтадиган бўлсак, кам иш ҳаққи оладиган оддий ишчи ўз моддий ҳолатини ўйлаган ҳолда мансабини суистеъмол қилади ва пора олади ёки ўзидан юқори лавозимда бўлган инсондан манфаат кўриш учун, "хизмат ҳаққи" беради. Бу эса, шубҳасиз, қонунларнинг бузилишига олиб келади. Демак, бу сўзга "хизмат ҳаққи" эмас, пора деб ном берсак тўғри бўлади.

Иқтисодчи Бердҳеннинг фикрига кўра, макроиқтисодий ривожланиш кўрсатгичига энг катта салбий тўлқинни олиб кирувчи омил айнан коррупция ҳисобланади. Унинг порахўрлик, товламачилик, фирибгарлик, непотизм ва бошқа турлича кўринишлари бўлиши мумкин.

Булар орасидан непотизм тушунчаси узоқ тарих, "Ренессанс Италияси"га бориб тақалади. Ушбу даврда Рим папалари ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида юқори черков мансабларини ўзининг қариндошларига "улашган". Биринчи бўлиб, Папанинг жиянлари бу "ҳиммат"га муносиб кўрилган. Сўнгра, секин-аста уларнинг ўғиллари ва бошқа қариндошлар бундан "баҳраманд" бўлишган ва бунинг ортидан бир неча сулолалар пайдо бўлган.

Юқорида айтилганидек, коррупция иқтисодиётга катта зарар етказади. Иқтисоди суст давлатнинг халқи ҳам қашшоқдир. Демак, инсон коррупцияга қўл урса, ўз келажаги ва фарзандларининг ҳаётини мураккаблаштирган бўлади. Ҳар бир давлат муассасаларига қабул қилинаётган ишчи, аввало, коррупциясиз келажакни устун кўриши, билим ва кўникмага эга бўлиши керак. Бу эса ота-она ва таълим бераётган маскан томонидан ҳар бир болада ёшликдан шакллантирилиши лозим.

**Гуландон АЛИЕВА,**
**СамДЧТИ Роман-герман тиллари факультети 3-босқич талабаси.**

## Сўранг, жавоб берамиз!

**САВОЛ:** *Нотариал тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилган васиятномалар ҳақида билмоқчи эдим. Шу ҳақда батафсил маълумот бера оласизми?*

**Шахрам Бегалиев, Гулобод қўрғони.**

# НОТАРИАЛ ТАСДИҚЛАНГАН ВАСИЯТНОМАЛАРГА ТЕНГЛАШТИРИЛГАН ВАСИЯТНОМАЛАР НИМА?

**ЖАВОБ:** Қуйидаги васиятномалар нотариал тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилади:

касалхоналар, госпиталлар, бошқа стационар даволаш муассасаларида даволанаётган ёки қариялар ва ногиронлар уйларида яшаб турган фуқароларнинг ана шу касалхоналар, госпиталлар ва бошқа даволаш муассасаларининг бош врачлари, уларнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосарлари ёки навбатчи врачлари, шунингдек, госпиталларнинг бошлиқлари, қариялар ва ногиронлар уйларининг директорлари ёки бош врачлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси байроғи остидаги кемаларда сузиб юрган вақтидаги ана шу кемаларнинг капитанлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

қидирув экспедициялари ёки шу каби бошқа экспедициялардаги фуқароларнинг ана шу экспедициялар бошлиқлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

ҳарбий хизматчиларнинг, нотариуслар бўлмаган ерларда жойлашган ҳарбий қисмларда эса, бу қисмларда ишлаётган ҳарбий бўлмаган фуқаролар, уларнинг оила аъзолари ва ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг ҳам ҳарбий қисмларнинг командирлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

озодликдан маҳрум этиш жойларида ёки қамоқда сақланаётган шахсларнинг тегишли муассасалар бошлиқлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

нотариус бўлмаган аҳоли пунктларида яшаётган шахсларнинг қонунга мувофиқ нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслар томонидан тасдиқланган васиятномалари.

**Мурад НОРМАТОВ,**
**Самарқанд туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус.**

# ЁШЛАРНИ КИТОБГА, КИТОБХОНЛИККА ҚАЙТАРИШ КЕРАК

**"Ёшларни китобга, китобхонликка қайтариш керак! Китобсиз келажак йўқ!". Давлатимиз раҳбарининг ушбу илҳомбахш ва даъваткор сўзлари халқимиз томонидан ҳам якдиллик билан қўллаб-қувватланди.**

Бунда, айниқса, Президентимизнинг "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида" фармойиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур ишларнинг самараси ўлароқ ёш авлод қалбида китобхонликка бўлган меҳр кундан кунга ортиб бормоқда.



Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййиднинг "Матонат манзумаси" китобидан жой олган "Китобсиз келажак йўқ" деб номланган мақоласида зикр этилганидек, "Ватан, она Ватанимизнинг ўзи буюк ва бетимсол китоб. Бу улуғвор китобни ўқиб, англамоқ учун ҳам, унинг қадр ва қимматига етиб юрмоқ, чин ва садоқатли, маърифатли ва билимли фарзанди бўлиб шарафламоқ учун ҳам кўп-кўп, жуда кўп гўзал ва чиройли китобларни мутолаа қилиши шарт ва зарурлигини англаб етган ҳар бир ўғил-қиз шу Ватаннинг энг кўркам ва бахтли дилбанди бўла олади."

Шоиримизнинг ушбу сўзларини ўзимга шиор қилиб олган ҳолда, мен ҳам юртимизга нафи тегадиган, етук инсон бўлиб етишиш йўлида изланмоқдаман. Қўлга киритаётган барча ютуқларимда китобларнинг ўрни беқиёс, десам асло адашмайман. Чунки китоблар инсоннинг йўлини ёритувчи шамчироқдир. Шу сабабдан ҳам, доимо китобга ошно бўлишга, нафақат ўзим, балки тенгдошларим ва ука-сингилларимда ҳам илм олиш ва китобхонликка нисбатан қизиқиш уйғотишга ҳаракат қиламан. Уларни ҳар соҳада фаол бўлишга, ҳар томонлама мукаммал инсон бўлиш йўлида тинмай ҳаракат қилишларига чорлашни чин фарзандлик бурчим деб биламан. Бундан ташқари, чет тилларини ўрганишга бўлган қизиқишим сабаб фан олимпиадаларда фаол қатнашишга, уларда орттирган билим ва тажрибаларимни амалда қўллашга интиламан.

Масалан, 2021-йилда немис тили фани бўйича умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилган республика фан олимпиадасининг Самарқанд вилоят босқичида фахрли 1-ўринни эгаллаб, вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан тақдирландим. 2020-йилда ҳам мазкур фан олимпиадасининг немис тили йўналиши бўйича Самарқанд шаҳар босқичида ҳам фахрли ўринни эгалладим.

Буларнинг барчаси, албатта, устозларимнинг ёрдами, тинимсиз меҳнат ҳамда изланишларим самарасидир. Шундай экан, тенгдошларим, бутун Ўзбекистон фарзандларининг бунданда юқори натижаларга эришишлари, Ватанимиз равнақига ўз ҳиссаларини қўшишлари, комил инсон бўлиб етишиш йўлида интилиш ва изланишдан ҳеч қачон тўхтамасликларини, юртимиз ривожи йўлида бир тан-у бир жон бўлиб ҳаракат қилишимизни чин дилдан истардим.

**Мадина АБДУСАИДОВА,**
**Самарқанд шаҳридаги 51-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиси.**

# ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ – ИНСОНИЯТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДЕМАКДИР

**Она табиатни, ўсимлик ва ҳайвонот оламини асраш ва уларга эътиборли бўлиш, шубҳасиз, ўз ҳаётимиз ва соғлигимизга эътибор қаратиш демакдир. Шунинг учун ҳам бутун дунё бўйлаб атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, флора ва фауна оламига етказилаётган зарарни камайтириш чоралари кўрилмоқда.**

Бунга ёввойи табиат, ўсимликлар дунёси, ҳайвонот оламини ҳимоя қилиш ва уларнинг баъзи турлари йўқолиб кетишининг олдини олиш учун ташкил қилинган ва ўз фаолиятини олиб бораётган ўнлаб ташкилотларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Аммо, орамизда чиқиндиларни кўчага ташлаш, хазонларни ёқиш, яшил ўсимликлар ва дарахтларни кесиш орқали табиатга мислсиз зарар етказаётган кишилар ҳам кам эмас. Табиийки, бундай ҳолатлар бутун инсониятга ўзининг салбий таъсирини кўрсатмай қолмайди. Натижада атроф-муҳитнинг ифлосланиши, қанчадан-қанча инсонлар соғлиги учун зарарли бўлган ҳаводан нафас олишга мажбур бўлиши ва ҳаводаги заҳарли газлар оқибатида тузалмас ёки асоратли хасталикларга дучор бўлиши каби салбий ҳолатлар келиб чиқади.

Буларнинг олдини олиш учун эса чиқиндиларни кўчаларга ташламаслигимиз, хазонларни ёқиб, ўзимиз нафас олаётган ҳавони ифлослантирмаслигимиз, аксинча, дарахтлар, гулларни янада кўпроқ экиш орқали атмосферанинг тозаланишига ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз зарур.

Мазкур қоидаларга амал қилмаганларга эса турли тартибда чоралар кўриш, қилаётган ишларининг оқибати ва натижаларини тушунтириш орқали юқоридаги каби ҳолатларни сал бўлса-да камайтиришга эришиш мумкин.

Инсоният тақдири, яшаш тарзи ва имкониятлари ҳар доим табиат билан чамбарчас боғлиқ экан, табиатга нисбатан бепарво ва ёмон муносабатимиз эртами-кечми, ё ўзимизнинг, ё келажак авлодларнинг ҳаётига салбий таъсир ўтказувчи оқибатларга олиб келиши муқаррарлигини англамоғимиз шарт. Шундай экан, ҳар биримиз она табиатимизни, бу орқали эса бутун башариатни асрашга ўз ҳиссамизни қўшайлик, аҳли яхшилар!

**Сорабуви ОЛИМОВА,**
**СамДЧТИ талабаси.**

# NAVOIY (Novel)

Илҳомжон Тўхтасинов, Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори, профессор

Илк бор ўзбек тилидан инглиз тилига таржима

(Давоми. Бошланиши олдинги сонларда)

Togonbek slowly told him how much money had been received, how much remained in the distant regions, and added that he handed the money to Abulziyo according to the order of Majididdin. "Perfect!, – said Majididdin rubbing his hands. — If I had had seven fellows like you, I would have won all seven sides of the earth! Inshallah, we'll commit many more glorious deeds with you in the future. Togonbek's eyes glistened and said:

— Sir, – he said, slyly squinting, — your ignorant servant has committed one offense but I do not dare to say it to you...

-There is no day without a night; there is no tulip without stains. What's the matter? – Majididdin asked.

— There is a rumor spread among people, –Togonbek spoke in a low voice, — that the Sultan Husayn, deprived his troops and fled with a handful of young men to India in order not to fall into the enemy's hands...and all his beks and emirs allegedly swore to Mirza Yadgar... I'm simple-minded and believing these tales I entered the service of Mirza Yadgar. Five or ten days, we rode on horseback and shouted with laughter. At the end it turned out that this was bullshit... – Togonbek sidelong glanced at Majididdin. In the eyes of the host he saw no anger but great concern.

— Oh my boy, can there be anything more shameful than that?! – severely said Majididdin.

— Sir, I have made a terrible mistake. But believe me, God is my witness, I did not forget you even for a moment... I had my calculations, but what could I do, I had no luck?

Majididdin immediately understood the meaning of these words, but frowning he said with an angry voice:

— What does this mean? The whole world knows that I am a faithful dog of the king! Until my death, I would like to serve His Majesty the Sultan and high family. Do not try to repeat anything like that again!

Togonbek immediately lost all his hope. Today or tomorrow he thought he would have to wear his old coat and run away somewhere far away. No other choice. For some time he was silent plucking his mustache. Then he stood up and said gloomily to know what was going on in Majididdin's heart:

— No more bread to share with me in Khorasan!...

— Sit down! Do you want to escape? – Majididdin looked at him ironically with a smile.

Togonbek again slumped to the floor and said:

— If God will give strength to the hooves of my horse I will find a permanent peaceful place for myself.

— Maybe, there is no need to be excited,– said Majididdin. — In the city there are other people who supported Mirza Yadgar and helped him. They had dinners with him... I have told you: stay far away from people for a while. Everywhere expressively declare your devotion to the sovereign. Then we will give you some post. You will perform your duties with good faith. What else do you need?!

Togonbek thanked heartily. Then rising from his seat, he said:

— I had a little gift for you.

Majididdin looked at him and said:

— Well, give it to me! During the reign of Mirza Yadgar many rare things had been stolen from the garden Bogi Zogon...

— My gift will come to you itself. — Togonbek smiled and left. He stopped at the door of a small room near the stable.

— Hey, where are you, lame crow, bring the key! – He shouted to Nurbobo.

Nurbobo came out of the stable and looked at Togonbek suspiciously, then he took a key from his belt and handed it to him. Togonbek hastily opened the door. From the far corner of the room Dildor's angry eyes flashed.

— Come here, gorgeous, let's make it up, – said Togonbek softly.

— Get out, do not come near to me, let trouble smite thee! - cried the girl, jumping up.

— Do not be angry, my dear, – said pleadingly Togonbek. — I did not touch you. I hear thousand of curses for my every good word. When you see me, you frown like an owl. If I give you pistachios, you throw them just like sheep's manure. Come on I'll get you out of this prison...

Togonbek grabbed Dildor by her arm and dragged her along. Old Nurbobo, choking with anger, shouted:

— You will break her hands! Do not get frightened, my daughter, – he said gently patting on her shoulder, - you are not in danger.

— Father! – Tearfully pleaded Dildor.

— Tell me where this villain is taking me? I do not want to part with you, I am scared, my father!

— Believe me, my daughter, inshaallah, no one will hurt you.

Togonbek, then begging and threatening led the girl. At the door of the guest room he whispered in her ear:

— Now you will see a great vizier. Stop crying! If he does not say anything your head will be chopped off. Got it? Greet him politely!

Dildor's heart sank. Togonbek opened the door and pushed the girl into the room and she stopped with an air of indifference at the threshold. Making two or three steps Dildor sat on the soft carpet. She was ready to lie face down on the floor to hide her face burning with shame, but scared from the "great vizier", she tried to seize herself.

Majididdin raised his head and stood up. Like admiring a beautiful painting or a precious stone, he narrowed his eyes and stared at the girl. Then beckoned Togonbek and whispered to him:

— Here is a rare jewel of flower... But the price for it is probably unheard?

Togonbek shook his head smiling:

— Price? – he asked in a whisper.

— Where can your servant get money? During MirzaYadgar's reign I had such long arms that I could get the moon from the sky, not only a simple girl. - He looked at the girl and Majididdin from time to time with pride.

— Such kinds of deeds should be stopped, my boy! – said Majididdin with fake order.

Dildor threw a quick glance at Majididdin. In her chest hope for salvation awakened. With deep supplication in her voice, trustfully Dildor spoke to him as to her father:

— You're a great man in the country. We are all your children. Let Allah send you happiness in this life and in the paradise. Send me to my family. I shall never forget your grace...

Tears streamed from her eyes.

— It's not my will, – said softly Majididdin. — Ask this fellow here. What good deeds have you found in your family? If you stay with us you will be happy. Each day of yours will be decorated with new flowers. Do not cry at all.

Dildor bowed her head and kept crying. Majididdin ordered Nurbobo to take the girl to the head of the servants. Togonbek took hold of her hand and she jumped in fright. Barely treading on her weakened legs, the girl followed Togonbek. Joyful and lively Majididdin rose hastily. Wearing a long, gold embroidered robe and winding his turban round his head, he went to the palace.

Bogi Zogon, as usual, lived with its royal life. The servants slowly, with stately serious faces were carrying out their duties. Warriors, armed with spears and swords, and a quiver full of arrows, 81 slowly strolled back and forth. An old porter with a white beard, which covered his entire chest, leaning on his spear, enthusiastically was telling his younger comrades about his past campaigns.

Having admired little with the new elephants brought from India, from far away country, Majididdin approached the palace with forty pillars. In the light gazebo surrounded by trees and flowering lawns, one of the famous scientists of Khorasan was teaching a lesson to two young princes. The boys, dressed in expensive Chinese silks, were looking forward to the end of the lesson maybe because they had been forced to listen to the singsong chant and strange words of the Koran too long. From time to time, the children looked at the same elegant children as themselves who flitted among the trees, shimmering like a rainbow or snow geese.

Going to the palace, Majididdin was convinced that neither sovereign nor courtiers were there. After wandering through the alleys he slowly climbed the hill. Behind the hill, on a wide flat area, Badiuzaman, the heir to the throne, the firstborn son of Husayn Boyqaro from his senior wife Beka Sultonbegim, was both playfully and seriously engaged in military exercises. Forty to fifty beautifully dressed young men, sons of beks and other notable people of Herat, participated in the game. Badiuzzamon, was a sleek, tall, well-built boy of twelve or thirteen, was dressed in a glittering gold and silver embroidered gown; camp intercepted his belt decorated with bright jewels at the waist dazzling colored lights shone a sheathed dagger. Over the prince's white silk turban lay a small crown with a gold rim; precious stones were artfully attached to the turban, on his legs were delicate colored boots... Badiuzzamon met his father only at official receptions. He had his own treasury, warriors, poets and interlocutors. He studied with the greatest scholars of Herat, but did not show a strong preference. The young man loved music and poetry, and he sometimes wrote poems himself as well. He arranged magnificent receptions and meals. He was an expert in wines. Despite his young age, Badiuzzamon was able to arrange the royal celebration. Living in a world of pleasure and joy, the heir dreamed of the great day of his life, the day when, according to the custom of his fathers and grandfathers, he would sit upon white felt and wear a crown on his head.

Majididdin watched the game smiling contentedly. He thought of the nobles and the educators who surrounded the prince. He thought about an idea of strengthening relations with the king's sons and he came down from the hill. Seeing Husayn Boyqaro at a distance, who was walking in the flower garden surrounded, as usual, by interlocutors, Majididdin was excited and got pale a little bit. He hurriedly took fifteen or twenty steps and leaned in obeisance. Then with another bow he came closer and gave greetings to the Sultan from Mirzoyi Kichik. Husayn Boyqaro was in a good mood so he said: "Stay with us!" Although Majididdin felt the mocking looks of the present he bowed almost to the ground and humbly thanked him.

On a shady alley strewn with gold flecks dancing of sunlight, the Sultan went to the dovecote. Each of the attendants tried to think of any word or phrase that could please the sultan. Majididdin, who was conscious of his complete inability at witticisms, was silent, but he tried to express his loyalty to the sultan together with other people.

From the little room adjoined by the dove a handsome, old man came out bowing respectfully. As a child, the sultan often ran to this old man to fly pigeons and still kept his respectful love. Husayn Boyqaro sat in the shade of fruit trees on the edge of the supa coated with silk rug. The old man carried a large wooden bowl with millet and scattered it on the ground, and then he opened the doors of all three dovecotes. Dozens of birds flew noisily on the yard and rushed to pick up grain. Mottled, gray and white doves hurried eagerly to peck the millet. Husayn Boyqaro was happy as a child. He watched and listened to the stories of the old man about the pigeon and their habits.

When there was no millet any more, the old man made a strange sound and waved, with a little waggle, a long stick. The motley flock flew up into the air. Clapping, the man forced the birds to fly. Sultan Husayn, putting his hands behind his back and sticking out his broad chest, raised his head and looked at the sky; his eyes were on the aerial dance of the pigeons in the transparent hot sky. The Sovereign's lips whispered: "These birds in flight carry my heart"... At this time, one of those present read in a loud voice about pigeons from "Mantiq ut tayr"(Conversation of birds) by Farididdin Attor. Husayn Boyqaro liked the line very much. Shaking his head, he repeated the line several times. The winged dancers descended from the heavenly scene and began to return to their homes. The king left the place rubbing his stiff neck. Servants reported that preparations for the feast were done. The junket, as usual, took place in the biggest building of Bogi Zogon.

In the center, on a pile of gold embroidered pillows, Husayn Boyqaro sat with his legs crossed. In a semicircle handsome young men, dressed alike and almost the same age, sat beside him. They stayed in the palace to give greater splendor to the meetings of the sovereign. On the right and left of Husayn Boyqaro nobles related by kinship with the reigning house, and a few unlucky princes, who had taken shelter in the palace of the Sultan, were sitting. The beks, policymakers, other guests and drinking buddies took places which matched their positions. There were many scholars, poets, famous musicians and singers of Herat among those present. They all were often at similar parties and were aware of methods and behavior. It began, as usual, to enliven a little. Husayn introduced his new ghazal to those present. Khodja Abdullah Marvoriy, a government official, who could recite a poem beautifully and subtly, read it. Fans of both Turkic and Persian poetry erected the poem to the category of high artistic works in the Turkic language. Even people who had little understanding in poetry began to repeat certain lines and discuss them. Husayn asked the poets to explore the ghazal and write a reply to it. Then telling funny jokes began. The gathered laughed incessantly. Especially, the distinguished famous satirist and wit Abdulvose made everybody burst into laughter. His words and gestures amused the people until they dropped. After Abdulvose no other jokers dared to speak. Servants, running on their tiptoes, deftlyspread a tablecloth. Roast goose, lamb, dumplings and other dishes were served. The personal servant of Husayn Boyqaro presented him meals in a special dish. The cupbearer, spreading golden goblets on silver trays, with a bow, offered guests some wine. Husayn Boyqaro first picked up a gold cup and gave a sign to the gathered people. All emptied their bowls in honour of the sultan.

Although Husayn Boyqaro rarely remembered "establishment" by Timur in public affairs, in such meetings he remained in faith to the traditions of his great ancestor. No matter how he tried to follow Timur, the time and the environment have made a big change. The feasts by the conqueror were combined with extraordinary splendor. In those days, the cook on a huge platter would bring entirely fatty horse and pile them in the middle of the room like a mountain. Then the servants would tear them into pieces and hand them out to the guests. Everyone had to carry his share home, considering the adoption of take away meals and bones to eat them. But the wine was not always served. If they started to drink, they would drink without any measure like drinking mare's milk on the summer pasture. Huge, coarse, clumsy, unsophisticated heroes, mostly in Mongolian robes, demanded at the feast more and more drinks demonstrating their fearlessness, endurance and nobility. Those who left at least a drop of wine in the bowl had to drink one after another nine bowls at a time. If the last of the bowls had at least one drop he would drink another nine bowls!

The immutable rule about drinking without leaving a drop was also in Husayn Boyqaro's parties, but usually it was not often followed. The punishment was only occasionally used for the sake of amusement...

The wine loosened tongues and revived the feasting. From time to time the poets got up from their seats and solemnly holding up their bowls recited poems composed immediately or prepared in advance for the occasion. The orchestra consisting of gidjak, tanbur, nay, lute, tambourine and other instruments played Arab, Persian, Turkic and Uzbek melodies. Singers sang songs and dancers in festive robes started to fly among a wide range of audiences.

As soon as it got dark candles were lit in golden candlesticks. The carpets, cups, ruby wine and murals on the walls started to shine. The meeting brightened even more. Drinkers filled bowls without giving the cupbearer rest. Even though Husayn Boyqaro drank a lot, he was still completely sober. To lighten the mood he kept offering guests drink, but furtively he was watching the behavior of each of the people there.

Following his custom, he got up and went out through the back door to get some fresh air and disappeared so suddenly that many of the gathered at first did not even notice his absence. Majididdin, as if he was only waiting for this moment, slipped out through another exit.

(Давоми кейинги сонда)

# ОҚ ЧАНГАЛ ПАРИСИНИНГ ЖОДУСИ

## (Детектив ҳикоя)

(Давоми. Бошланиши олдинги сонда)

Кетар чоғи Дилшод ҳовлидаги дорга кирларини ёзаётган Анорага қаради. Аёл кирларини илиш билан овора бўлаётган бўлса ҳам, Дилшоднинг унга қараганини сезиб у ҳам зимдан унга қараб қўйди. Дилшод машинанинг олд ўриндиғига ўтирди.

— Оқ чангалга ҳайда! – деди рулдаги Акмалга.

***

Йўлда Файзи чўпон Анора ҳақида гапириб берди. Машина магнитофонидан янграётган қўшиққа маҳлиё бўлган Акмал унинг гапларини деярли эшитмади. Дилшод эса Файзи чўпоннинг шаҳарлик жувон ҳақида айтган гапларини диққат билан эшитиб кетди. Ниҳоят улар Оқ чангалга етиб келишди. Файзи чўпон Дилшод ва Акмални Шербекнинг қони тўкилган жойга олиб борди. Участка нозири атрофни синчковлик билан кўздан кечирди. Ҳамма ёқ тиконзор эди. Бир соат Оқ чангални айланиб чиқишди, аммо на Шербекни на, парини топишди. Дилшод ва Файзи чўпон ғорга киришди. Ғор ичида тошлардан бўлак ҳеч нарса кўринмасди. Ғор ичидаги ифордан Дилшоднинг кўнгли айниди. Шунда бироз ўйланиб қолди.

— Файзи ака, бу ердан шаҳарга борадиган катта йўлга чиқса бўладими? – деди.

— Оқ чангалдан катта йўлга бориладиган битта йўл бор. Бу йўл уйимнинг олдидан ўтган. Агар кимдир бу ерга келмоқчи бўлса, уйимнинг олдидан ўтади. Мен шу пайтгача фақат Шер ва унинг отаси Ҳайдар ака ўтганини кўрдим. Кеча Шернинг акалари ҳам бу ерга келиб, уни излашди.

— Демак, бу ерга сиз, Ҳайдар ота, Шербек ва унинг икки акасидан бошқа ҳеч ким келмаган.

— Худди шундай. Аслида, Ҳайдар ака ва Шербекнинг бошига тушган мусибатларга мен айбдорман. Чунки Ҳайдар ота Оқ чангалга бораётган куни мен тўйга кетаётгандим. Унга «Йўқолган сигирингизни ўзим топиб бераман ўша бефайз маконга борманг» – деб уни йўлдан қайтаришга эриндим. Шерни ҳам йўлдан қайтара олмадим. Ҳаммасига мен айбдорман!

— Шундай бўлиши тақдирига ёзилган экан. Афсус чекишдан фойда йўқ.

Ғор ичини кўздан кечираётиб Дилшод тошлар орасидан оёқ билан мажақланган сигарета қолдиғини топиб олди. Уни олиб шимининг чўнтагига солди. Шу пайт ғорга Акмал кириб келди.

— Дилшод ака, тоғнинг ёнбошидаги қум тепаликда бир ўра бор экан – деди.

Улар Оқ чангал тоғининг ёнбошидаги қирга ўхшаш қум тепаликка боришди. Тепалик усти янтоқ ва тиконлар билан қопланганди. Тепаликда чуқур ўра бўлиб унинг оғзи ўрилган тикон ва ўт-ўланлар билан беркитилганди. Диққат билан қарамаса, тиконлар орасидаги бу чоҳни пайқаш мушкул эди. Шу боис Шербекнинг акалари уни кўрмаганди. Акмал энди қўли билан тиконларни олмоқчи бўлганида Файзи чўпон уни уришиб берди.

— Эй бола! Бунча шошиласан? Бу тикон-ку! Қўлингда қасдинг борми нима бало! – деб бақирди.

Файзи чўпон ўзининг доимий ҳамроҳи – қўлидаги таёқ билан чоҳ устига ёпилган тикон ва ўтларни четга суриб ташлади. Ўранинг оғзи очилди. Учаласи энгашиб ўранинг ичига қарашди-ю даҳшатдан ранглари оқариб кетди. Икки метр чуқурликдаги бу чоҳнинг ичида Шербекнинг жасади ётарди.

***

— Бу қотиллик! – деб Акмал ҳужжатларни стол устига қўйди. — Тиббий экспертиза хулосасига кўра Шербекнинг бошига тахминан беш килограммлик тош билан зарба беришган. Натижада йигитнинг бош мияси қаттиқ шикастланиб, у жон берган. Жасад топилган вақтда унинг ўлдирилганига бир ҳафта бўлган. Демак, Шербекни Оқ чангалга борган куни ўлдиришган.

— Буни парилар қилмагани аниқ – деди Дилшод ҳорғин ҳолатда. — Раҳбариятдан буйруқ келган. Бу иш юзасидан жиноий иш очиб, тезкор суриштирув ишларини бошлашимиз керак.

— Ишни нимадан бошлаймиз?

— Мен шаҳарга бориб келишим керак. Сен эса қишлоқда суриштирув ишларини олиб бор.

— Хўп бўлади.

Икки кундан сўнг Муродов қишлоққа қайтиб келди.

— Суриштирдингми? – деди Акмалга.

— Ҳа. Қишлоқдошлар орасида «Шербекни Оқ чангал жинлари уриб ўлдирган», деган миш-миш тарқалди. Кўрсатма берганингиздек, Файзи чўпоннинг уйини кузатувга олдим, аммо ҳеч қандай шубҳали нарса сезилмади. Унинг уйи олдидан манави сигарета қолдиқларини топдим.

Акмал кичкина елим ҳалтачага солинган сигарета қолдиқларини стол устига қўйди.

— Файзи ака чекмайди. Бу Шербекники бўлса керак. Ҳозирча бори шу.

Дилшод индамай ёрдамчисининг гапларини эшитиб турди.

— Тайёргарлик кўр. Оқ чангалга борамиз – деди.

Машинадан тушган Дилшод Файзи чўпоннинг уйи олдида бир эркак билан гаплашиб турган Анорани кўриб тўхтаб қолди. Бироз қараб тургач, бир-бир босиб уларга яқинлашди. Улар томон келаётган Дилшодни кўриб Анора ним табассум қилди.

— Ассалому алайкум, Дилшод ака.

— Ваалайкум ассалом. Файзи ака уйдами?

— Файзи тоғам қўйларни қирга оп чиқиб кетувдилар. Робия холам уйдалар. Чақириб берайми?

— Йўқ, шарт эмас. Келганимни Файзи тоғангизга айтиб қўйинг.

— Хўп бўлади.

Дилшод Анорага термулди. Аёлнинг кўзларида қандайдир қўрқинч бор эди. Кейин унинг ёнидаги эркакка қаради. Сочи калта, юзи думалоқ, қошлари қалин, лаблари дўрдоқ бу



эркак тахминан ўттиз ёшлар атрофида эди. У Дилшодга ўқрайиб қаради. Юз қиёфасидан Анорага қарагани учун Дилшодни ёмон кўриб кетаётгандек эди. Буни сезган Анора вазиятни юмшатишга уринди.

— Бу киши турмуш ўртоғим, Ёқуб ака – деб эркакни таништирди. — Кеча Россиядан қайтиб келдилар.

— А? Ҳа. Салом. Яхшимисиз? – деб сўрашди Дилшод.

— Салом. Яхши раҳмат – деб қўйди эркак.

— Қишлоқдаги воқеаларни эшитдим – деди Анора. — Оқ чангал бизга яқин. Қўрқиб қолдим. Хайрият, Ёқуб акам қайтиб келдилар. Энди шаҳарга кетамиз.

— Суриштирув олиб боряпман. Сизларга эса оқ йўл.

— Омадингизни берсин!

Дилшоднинг бирдан юзи буришиб кетди. Унга қараб турган Анора ва Ёқубдан хижолат бўлиб ортга бурилди. Тез-тез юриб машинага суянганича уларни кузатиб турган Акмалнинг олдига борди.

— Оқ чангалга ҳайда – деб машинага ўтирди.

Оқ чангалдаги манзарани кўриб Дилшод ва Акмал ҳайратдан ёқа ушлашди. Тиконзор ёниб, кулга айланганди.

— Энди оқ чангаллар йўқ! Парилар ғазабланиб, уларни ёқиб юборишибди, шекилли, - деди Акмал.

Дилшод бир сўз демай атрофга қаради. "Наҳотки, чиндан ҳам бу ерда парилар бўлса?" ичида ўйлади. Участка нозири бу ерда қолишдан фойда йўқлигини тушуниб, ёрдамчиси билан қишлоққа қайтди. Файзи чўпоннинг уйи олдидан ўтаётиб Дилшод машина деразасидан Файзи чўпон ва хотини Робия хола билан хайрлашаётган Анорани кўрди.

— У сизга ёқиб қолдия? – деди Акмал.

— Ким?

— Анави шаҳарлик жувон-да!

— Анорами? Йўғ-е! Нималар деяпсан?

— Роса кетворган экан ўзиям. Қишлоқда унақасини топиш қийин. Аммо эҳтиёт бўлинг. Янгам билсалар борми...

— Жим бўл! Унинг эри бор.

— Ҳалиги турқи совуқ йигитми? Афт-туриши ёқмади менга.

— Ҳар хил одам бор-да.

***

Қишлоқ милиция бўлимига вилоят Ички ишлар бўлимидан майор Алиев ташриф буюриб, Шербекнинг ўлими юзасидан очилган жиноий иш билан танишди. Майор участка нозири Дилшод Муродовга бу ишни тезроқ ёпишни буюриб, шаҳарга қайтиб кетди. Кетар чоғи бўшанглик қилаётгани учун Муродовни роса "тузлаб" кетди. Раҳбариятдан гап эшитган ходимга қийин. Дилшод кайфиятсиз ҳолда компютерини ёқди. "Пари бўлмай, ҳар бало бўл!" деб тўнғиллади. Шу пайт хонага шошиб-пишиб Акмал кириб келди.

— Дилшод ака, жиддий муаммо чиқди – деди у ҳансираб. — Файзи чўпон оғилхонасида ўзини осиб қўйибди!

Тезлик билан Файзи чўпоннинг уйига етиб келган участка нозири ва ёрдамчиси уйда тўпланган тумонат одамни кўришди. Бутун қишлоқ шу ерда эди. Дилшод билан Акмал одамлар орасидан ўтиб Файзи чўпоннинг ҳовлисига киришди. Устига чопон, бошида дўппи, белида белбоғ билан ҳовлида юрган чўпоннинг катта ўғли Муртазо Дилшодни кўриб, унинг олдига келди. Отадан айрилгани уни қаттиқ изтиробга солгани йиғидан қизарган кўзларидан билиниб турарди.

— Ассалому алайкум, Муртазо ака. Худо сабр берсин! – деди Дилшод.

— Ваалайкум ассалом. Раҳмат, Дилшод.

— Файзи акани кўришим керак.

— Албатта.

Муртазо Дилшодни Файзи чўпоннинг майити ётган хонага олиб кирди. Мурдани текшираётган қишлоқ шифокори уларни кўриб ўрнидан турди. Шифокор Дилшодга Файзи чўпон вос-вос бўлганини тушунтирди. Участка нозири жасадни яхшилаб кўздан кечирди. Жасаднинг бўйнида арқон излари бор эди. Шифокор хулосасини эшитгач, индамай ташқарига чиқди. Муртазо ва Робия холага таъзия изҳор қилиб жанозахонани тарк этишди.

— Ака, мени бир нарса ўйлантириб қўйди – деди Акмал йўлда кетаётиб.

— Нима?

— Таъзияда одамлардан бир гап эшитдим.

— Хўш?

— Оғилхонада осилиб ётган Файзи чўпонни биринчи бўлиб кўрган хотини Робия хола аёлларга эрининг оёқ яланг ҳолда ўзини осганини айтган. Файзи аканинг оёқяланг юриши жуда ғалати ҳол. Ахир кечаси билан ёмғир ёғди. Атроф лой ва нам.

Дилшод ўйланиб қолди. У Шербекнинг жасади ҳам оёқяланг ҳолда топилганини эслади.

— Уч қотиллик! – деди беихтиёр.

— Нима? — Акмал ҳайратланиб унга қаради.

— Ҳеч нарса. Ўзим шунчаки – деди Дилшод.

Эртаси куни Дилшод телефонда ким биландир узоқ суҳбатлашганидан сўнг Акмални чақирди.

— Тайёргарлик кўр. Бугун тунда бир жойга борамиз. Ўша ерда ҳаммасига нуқта қўямиз – деди ёрдамчисига.

— Хўп бўлади – деди Акмал.

(Давоми кейинги сонда) »

**Азиз талабалар!** *Бу лойиҳада сиз иштирок этишингиз ва ўзингизни ижод соҳасида бемалол синаб кўришингиз мумкин. Лойиҳамизнинг шартлари оддий бўлиб, берилган ҳикоядан парчани давом эттиришингиз (тўлдиришингиз) ва саволларимизга жавоб беришингиз керак бўлади. Энг яхши деб топилган ижод намуналари газетамизнинг кейинги сонларида оммага тақдим этилади. Саволларга тўғри жавоб йўллаган талабалар газетамизнинг кейинги сонларида сурати билан эълон қилиб борилади. Ижод намуналарингизни ва жавобларингизни +99893 359 73 78 рақамига Телеграм мессенжери орқали йўллашингиз мумкин.*

Ижодкорлик




# ЭНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТАЛАБА

***«Энг интеллектуал талаба» лойиҳасининг бу галги ғолиблари билан танишинг. Газетамизнинг олдинги сонида чоп этилган «Иштиёқ» ҳикоясининг давоми ва саволларнинг тўғри жавоби қуйида келтирилади.***

## Иштиёқ

**Ҳикоянинг биринчи якуни**

Сардор боши билан ерга йиқилиб тушди. Буни кўрган Камолнинг юраги ёрилгудай бўлиб, беҳуш ётган Сардорнинг ёнига отилди. Дўстини бу аҳволда кўриб, Камол нима қилишни билмай қолди ва уни тезда шифохонага олиб борди. Камол Сардорнинг ота-онасига хабар берди. Ота-онаси буни эшитиб, шифохонага етиб келишди. Шифокорлар Сардорнинг боши билан тушгани учун унинг хотираси йўқолганини айтди. Камол буни эшитиб ўзини айбдор деб ҳисоблар эди. Сардор шифохонада бир неча кун ётди. Камол дўстини бу вазиятда ёлғиз қолдирмади. Дўсти учун нима керак бўлса, ҳаммасини қилди. Лекин Сардор дўстини эслай олмас эди. Шифохонадан чиқиши билан Камол уни отларини ёнига олиб борди. Отхонага узоқдан қараб келаётган Сардорнинг эсига баъзи нарсалар ғира-шира тушаётган эди. Тулпори Сардорни кўриб кишнаб юборди. Шунда унинг ҳам оти билан боғлиқ воқеалар ёдига тушди. Секин-аста вақт ўтиши билан Сардор соғлигини тиклаб олди ва яна от спорти билан шуғуллана бошлади. Бу орада ота-она, оиласи, дўстлари билан боғлиқ воқеаларни ҳам эслай бошлади. Доктор унга мусобақага қатнашишга рухсат бергандан сўнг, у жиддий тайёрланиб, мусобақада ғолиб бўлди. Энг қувонарлиси, ўша болача мусобақага гул кўтариб келиб, уни табриклаганида жуда хурсанд бўлди.





**Райҳона АБДУҒАППОРОВА,
СамДЧТИ Роман-герман
тиллари факультети
1-босқич талабаси.**

**Ҳикоянинг иккинчи якуни**

Дарахт шохига қўшилиб Сардор ҳам ерга зарб билан қулади. У шох тагида қолганди ва оғриқдан инграб юборди. Камол келиб унга ёрдам берди, бирга шу яқин атрофдаги шифохонага боришди. Шифокор Сардорга жароҳати жиддий эканлигини, қўли икки жойидан қаттиқ лат еганлиги, бироз муддат спорт билан шуғулланмай туриши кераклигини қаттиқ уқтирди. Сардор "хўп" деди-ю, хаёли бир ойдан кейин бўладиган мусобақада эди. "Ахир, бу кунни қанчадан бери кутгандим?. Наҳотки, қатнаша олмасам..?"

Мусобақа куни ҳам келди, Камол ғалаба-ю зафарлар қуршовида эди. Сардор дўсти учун хурсанд бўлган бўлса-да, ич-ичидан қатнаша олмагани учун ўкинди. Кунлар шу зайлда ўтар аммо, Сардор одамови бўлиб борар, унинг ҳеч нарсага қизиқиши қолмаганди. Ҳатто оиласи билан ҳам зарурат юзасидан гаплашар эди, холос.



Якшанба тонги. Сардор оиласи билан қишлоққа бобосиникига меҳмонга боришди. Оиласидагилар бобосига айтиб қўйишган, шекилли, кўпни кўрган бу отахон Сардорни ёнига чақириб:

— "Ўғлим, биласанми, сен ҳозир йўлда тошга қоқилиб ерда йиғлаб ётган болага ўхшайсан. Ваҳоланки, узоқ йўлни босиб ўтдинг, шу тош ер куррасида сен учун бир кичик зарра", – деди синчков нигоҳлари билан неварасига қараб.

Энди Сардорга яна шижоат, куч қўшилди. Ўзининг иродасизлигидан қаттиқ уялди. "Қийинчиликлар инсон учун кичик бир зарра, у мени спортга бўлган иштиёқимни сўндиролмайди." – бот-бот такрорларди у.

**Нилуфар АҲМАДОВА,
СамДЧТИ Инглиз тили I
факультети 3-босқич
талабаси.**

**Ҳикоянинг учинчи якуни**

...Сардор ерга ноқулай йиқилиб, оёғини синдириб олди. Буни кўрган Камол уни тезда шифохонага олиб борди. Докторлар Сардорнинг оёғини рентген қилишди ва унга оёғини ёмон синдирганини, шифохонада қолиб даволанишини ҳамда бу даволаниш камида уч-тўрт ой давом этишини айтишди. Буни эшитган Камол ва Сардор жуда афсусланишди, чунки яқинда уларни жуда катта мусобақа кутиб турарди.



Бу хабардан сўнг Сардор тушкунликка тушиб, мусобақада қатнашиш иштиёқини йўқотди. Бу тушкун ҳолатни кўрган Сардорнинг қиёматли дўсти Камол бу вазиятдан чиқиб кетиш йўлини ўйлар эди. Сардор касалхонада қоладиган бўлди. У уни кўргани келган одамлар билан гаплашмас, фақат сукут сақлар, Камол билан келажак учун тузган режалари энди амалга ошмайди деб ўйлар, ҳаётга бўлган муҳаббатини аста-секин йўқотар эди. Лекин Камол Сардорнинг иштиёқини қайтариш учун қўлидан келганча ҳаракат қилди.

У Сардорга "бу дардни бирга енгамиз, сен мусобақага қатнашмасанг мен ҳам қатнашмайман", дер эди ва унга ҳар куни далда бериб турарди. Камол Сардорни бу касални енгишига ишонтирди, чунки ҳаётда муваффақиятнинг ярмини ишонч ташкил қилади деб ўйлар эди Камол. Сардор аста-секин ўзига бўлган ишончни ҳис қила бошлади. У бу дардни енгишга астойдил бел боғлади. Камол Сардорга ёрдамлашар, улар биргаликда машқ қилишар, Камол ҳар хил янги хабарлар, қизиқарли нарсалар ҳақида дўстига айтиб берар, унинг кўнглини кўтарар эди. Сардор тез фурсатда соғайиб, аста-аста ўзи юрадиган бўлди. Унинг тез соғаяётганини кўрган шифокорлар бунинг сабабини унинг соғайишга, мусобақада қатнашишга бўлган иштиёқи деб ҳисоблашар эди.

Камол тез фурсатда яна мусобақаларда Сардор билан бирга қатнашишини ўйлаб, бу кунлар тезроқ келишини интиқлик билан кутарди. Ниҳоят, шифокорлар Сардорга жавоб беришди. Камол ва Сардор жамоаларига қайтишиб, яна машқларини давом эттиришди. Улар ўсмирлар ўртасида бўладиган Жаҳон чемпионатида қатнашишди ва бу мусобақада икки дўст ғалаба қозониб, биринчи ва иккинчи ўринларни бўлиб олишди. Юрт байроғини баландга кўтаришди.

«Бундай натижага эришамиз», деб ўйламаган икки дўстнинг кўзларида қувонч ёшлари йилтирарди. Бу муваффақият уларнинг Ватанимизни жаҳонга танитиш йўлидаги иштиёқлари туфайли эди.

**Оғабек КАМОЛОВ,
СамДЧТИ Роман-герман
тиллари факультети
1-босқич талабаси.**

**Қадрли "Intellekt" газетасининг мухлис талабалари. Юборган жавобларингиз учун раҳмат! Аммо жавоблар тўлиқ тўғри бўлмаганлиги сабабли лойиҳамизнинг бу галги ғолиби ҳам аниқланмади.**

**Қуйида газетамизнинг ўтган сонида берилган саволларнинг тўғри жавоблари билан танишинг:**

**1.** Тил ва сўз;
**2.** Қайнатилган тухум;
**3.** Ўтган кун, кеча, бугун, эрта, индин;
**4.** Ньютоннинг олмани бошига тушиш ҳодисасига асосланган кашфиёти;
**5.** Унинг ўзи;
**6.** Европада, Болқон ярим оролида;
**7.** Кўпайтириш керак.

***Қуйида берилган ҳикояни давом эттиринг ва саволларимизга жавоб йўлланг. Лойиҳамизнинг кейинги ғолиби айнан сиз бўлишингиз мумкин!***

## РАМАЗОН

Журналист Рамзиддиннинг ишлари орқага кетиб, анча рўзғори тортилиб қолган эди. Бу ҳам етмагандек кичик қизчасининг анчадан бери тоби ҳам йўқ. Шунинг учун қарз олишга мажбур бўлди.

Агар қизини вақтида даволатмаса, касаллик кучайиб, аҳволи оғирлашиб кетиши мумкин эди. Худога шукрки, ҳовли олма қўшни ол, деганларидек Рамзиддиннинг Давлат отадек жуда яхши қўшниси бор. Оғир кунида қараб турмади. Мана қизчаси ҳам анча тузалиб қолди. Аммо Рамзиддиннинг иши ҳали ҳам ўша-ўша. Рамазон ойи ҳам келиб қолди. Рамзиддин Рамазон ойида қарз билан ўтмоқчи эмас эди. Якшанба кунлари ҳам иш олиб, ишлаганлиги сабабли уйига бориб келишга ҳам вақти йўқ. Шунча ишласа ҳам қарзларини қандай узишни билмай боши қотган...

***Давом эттиринг!***

**САВОЛЛАР:**

**1.** Нега ҳарбийларни ҳар хил вилоятларга юборишади?
**2.** Дунёга машҳур бўлган НАСА компаниясида тартиб-интизом жуда қаттиқлигини биламиз, шу боисдан аёл ходималарга ҳеч қандай тақинчоқ тақишга рухсат берилмайди. Фақат бир тақинчоқдан ташқари. У қайси тақинчоқ?
**3.** 60, 50, 40, 30, 20, 10, сонлари ўртасига қўшув ва айирув ишораларини шундай қуйингки, натижа 70 чиқсин?
**4.** АҚШда қайси лавозимга табассум қилишни билмайдиган одамларни ишга олишмайди?
**5.** Искандар Зулқарнайннинг устози ким бўлган?
**6.** "Шубҳа инсон камолоти даражасининг кемтигидир" – ушбу фикрлар қайси машҳур файласуфга тегишли?
**7.** Одамсиз мамлакат, уйсиз шаҳар, дарахтсиз ўрмон, сувсиз дарё қаерда бўлиши мумкин?

**Ирода ШАМСИЕВА тайёрлади.**

# ҲАМКОРЛИКДА ЭКОЛОГИЯ ВА БИОХИЛМА-ХИЛЛИК МУАММОЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда)**

Фестивалда Экологик муҳит ҳолати, ўсимлик ва ҳайвонот олами биохилма-хиллигини сақлаш, яшил ҳудудларни ташкил этиш соҳасида олиб борилаётган ишлар ҳақида фикр алмашилди.

Бундан ташқари, фестивал давомида Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида келгусида қилинадиган ишлар белгилаб олинди. 2022-йилда ҳам "Яшил университетлар" фестивалини ўтказиш режаси тузилди.

2021-йилнинг 22-24-апрель кунлари Самарқанд давлат университети, Россия Халқлар дўстлиги университети, В.И.Вернадский номли Экологик фонд, А. Д. Сахаров номли халқаро Экология институти, Белоруссия давлат университети, Литва Буюк Витовта университети, Аль-Фаробий номли Қозоғистон миллий университети ва Қозоғистон фан ва таълим вазирлиги Зоология институти билан ҳамкорликда "Экология ва табиатдан фойдаланишнинг долзарб муаммолари" мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилди. Анжуманда Самарқанд вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси, Зарафшон миллий табиат боғи, Ўзбекистон Экологик партияси Самарқанд вилоят ва Самарқанд шаҳар Кенгаши ходимлари ҳам иштирок этишди. Халқаро илмий-амалий анжуманда популяциялар экологияси, амалий экология, биохилма-хилликни сақлаб қолиш, экологик хавфсизлик ва озиқ-овқат сифати, экологик таълим-тарбия, барқарор тараққиёт сингари долзарб масалалар олимлар, профессор-ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш мутахассислари томонидан муҳокама қилинди. Илмий-амалий анжуманнинг асосий мақсади биохилма-хилликни сақлаб қолиш ва экологик муаммолар юзасидан олиб борилаётган ишлар бўйича фикр алмашиш ва ушбу масалаларга илмий ечим топиш ва уни амалиётга жорий этишга қаратилди.

Халқаро илмий-амалий анжуманда келгусида атмосферанинг ифлосланиши, озон қатламининг сийраклашиши, чучук сув муаммоси, табиатда ўсимлик ва ҳайвон турлари сонининг қисқариши каби муаммоларни ўрганиш, тадқиқотлар олиб бориш, экологик мониторинг ва экологик таълим-тарбия ишларини амалга ошириш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида кадрлар тайёрлаш, дарслик, монография, мақолалар нашр эттириш каби масалаларда ҳамкорликни кенгайтириш режалари тузилди ва амалга ошириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

**Хусниддин БОЙМУРОДОВ,
СамДУ Экология ва ҳаёт
фаолияти хавфсизлиги
кафедраси мудири,
профессор.
Бурхон ФАЙЗУЛЛАЕВ,
кафедра доценти.**

# ЁШ ЖУРНАЛИСТЛАР МАКТАБИ МАДҲИЯСИ

*Қалбида шижоат, кўзида учқун,*
*Келибди орзулар рўёби учун.*
*Мақсадга элтади, аслида, бу кун,*
*Яшасин, дунёда ёш журналистлар!*

*Ҳар бирин кўнглида ўзгача олам,*
*Умидли нигоҳи билмасин алам.*
*Бу ёруғ кунларни куйлайин мен ҳам,*
*Яшасин, дунёда ёш журналистлар!*

*Ҳақ билан ёнма-ён, ноҳақдан нари,*
*Биз учун шайланган дунё минбари.*
*Устозлар ундагай марралар сари,*
*Яшасин, дунёда ёш журналистлар!*

*Бугунги эркин сўз – ўтмишда ҳавас,*
*Адолат дўстлари ёлғон гапирмас!*
*Янгича замонга бўлиб ҳамнафас,*
*Яшасин, дунёда ёш журналистлар!*

*Шукрким, ҳар нега имконимиз бор,*
*Тангри ҳам бизларга эрур мададкор.*
*Шу сўзни айтайин, такрор ва такрор!*
*Яшасин, дунёда ёш журналистлар!*

**Нодирбек РЎЗИҚУЛОВ,
Самарқанд шаҳридаги
Ёш журналистлар
мактаби ўқувчиси.**

# Хориждан гапирамиз

## Кафт билан тўловни амалга оширувчи тизим

**АҚШнинг Amazon компанияси ўз дўконлари тармоғи Whole Foods'да харидлар учун кафт билан тўловни амалга ошириш тизимини жорий қилди. Ушбу имкониятдан ҳозирча тармоқнинг Сиэтлдаги дўконларида фойдаланиш мумкин, бироқ у яқин ойларда бошқа дўконларда ҳам пайдо бўлади.**



Тўлов кафтни кассадаги сканер устида силкитиш билан амалга оширилади. Бунинг учун Amazon One сервисида рўйхатдан ўтиш талаб этилади. У ерда фойдаланувчи ўз телефон рақами, банк картаси рақамини маълум қилиши ва кафтини сканерлаши лозим. Кассадаги сканер кафтдаги биометрик маълумотларни ўқиб, автоматик равишда пластик картадан харид учун пулни ечиб олади.

Amazon 2018 йилдан бошлаб кассирларсиз Whole Foods дўконларини синовдан ўтказа бошлаганди. Бироқ ушбу ташаббусдан меҳнат бозоридаги мураккаб вазият сабабли воз кечишга тўғри келган.

## Bugatti Chiron'дан шиддатлироқ гиперкар

**Хитойнинг Hongqi компанияси Шанҳайдаги автосалонда янги гиперкари S9'ни тақдим этди. Эътиборлиси, гиперкар дунёдаги энг тез гиперкарлардан бири саналган Bugatti Chiron'га рақобатчилик қилиши кутилмоқда.**



Автомобиль углепластик кузовдан ташкил топиб, 4 цилиндрли бензин двигатели ва электр мотордан иборат гибрид куч қурилмаси билан жиҳозланган. Куч қурилмасининг умумий қуввати 1400 от кучидан кўпроқни ташкил қилади.

Компания маълумотларига кўра, гиперкар жойидан 100 км/соат тезликка 1,9 сонияда эриша олади. У бу борада Bugatti Chiron'дан 0,6 сония тезроқ ҳисобланади. Машинанинг максимал тезлиги эса 400 км/соатни ташкил қилади.

Ҳаммаси бўлиб Hongqi S9'дан 99 дона ишлаб чиқарилади. Машинанинг илк нусхалари ўз эгаларига 2022-йилда етказиб берилади. Машинанинг нархи 1,5 миллион долларга яқинни ташкил қилиши кутилмоқда.

## Туркиядаги локдаун хорижий сайёҳларга таалуқли эмас

**Туркияда 29-апрелдан кучга кирадиган тўлиқ локдаун хорижий сайёҳларга таалуқли бўлмайди. Улар комендантлик соатига амал қилиш талабини бажаришдан озод қилинадилар. Маълумки, Туркия президенти мамлакатда коронавирус билан боғлиқ оғир вазият сабабли 29-апрелдан 17-майгача тўлиқ локдаун киритилишини эълон қилганди.**



Туркия ички ишлар вазирлигининг ҳужжатида мамлакатга туризм мақсадида қисқа муддатга келган хорижий сайёҳлар локдаун вақтидаги комендантлик соатига риоя қилиш мажбуриятидан озод қилинишлари кўрсатилган. Шу билан бирга, Туркияда яшаш ҳуқуқига эга бўлган хорижликлар ёки вақтинча халқаро ҳимоя остида бўлганлар комендантлик соатига амал қилишлари керак бўлади.

Шу тариқа, сайёҳлар кўчага чиқишлари, жамоат транспортидан фойдаланишлари ва ўзлари турган меҳмонхонадан исталган узоқликдаги дўконларга ташриф буюришлари мумкин бўлади.

## Икки бино ўртасидаги шаффоф ҳовуз

**Британия пойтахти Лондонда икки бино ўртасида 35 метр баландликда шаффоф акрил сув ҳавзаси ўрнатилди. Бассейннинг сув билан бирга оғирлиги 400 тонна, деворлари қалинлиги эса баъзи жойларида 30 сантиметргача етади.**



Sky Pool деб номланган ҳавза Nine Elms турар жой мажмуасидаги иккита баланд бинонинг 10-қавати ўртасида жойлашган. Бассейннинг чуқурлиги 3 метрни, узунлиги 25 метрни ташкил қилади. Унда бир нечта ёритиш режими мавжуд.

Таъкидланишича, бассейнга ушбу мажмуада яшовчи аҳолигина ташриф буюра олади.

Маълум қилинишича, сув ҳавзаси ўз туридаги энг каттасига айланди. Унинг конструкцияси АҚШнинг Колорадо штатида қурилган. Бассейн расман 19-май куни мажмуа аҳолисига тантанали равишда тақдим этилади.

## Коронавируснинг ҳиндча штамми антитаналарга чидамли эканлиги маълум бўлди

**Коронавируснинг Ҳиндистонда аниқланган мутациялари янги штаммнинг ўта юқумли ва антитаналарга чидамли эканини кўрсатмоқда, деб маълум қилди Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти.**



Тадқиқотлар натижаларига кўра, мутациялар антитаналар билан даволаш самарадорлигига таъсир кўрсатади ва уларнинг ижобий таъсирини йўқотади. Қайд этилишича, янги штамм, шунингдек, касалликни тез чақириш ва ўлимга олиб келиш хусусиятига эга.

ЖССТ вируснинг тез ўзгариши сабабларини ўрганмоқда. Оммавий тадбирлар ўтказилиши асосий омиллардан бири деб ҳисобланмоқда.

26 апрель куни Ҳиндистон соғлиқни сақлаш вазирлиги бир суткада 349,6 минг кишида коронавирус аниқланганини маълум қилди. Ҳозирда мамлакатда ҳар тўрт кунда бир миллионга яқин кишида касаллик аниқланмоқда.

**Интернет материаллари асосида тайёрланди.**

INTELLEKT

Муассис:
Самарқанд давлат чет тиллар институти

**Муҳаррир: Ваҳобжон АВАЗОВ**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**
**Илҳомжон ТЎХТАСИНОВ(раис), Фазлиддин РЎЗИҚУЛОВ, Отабек ҒАЙБУЛЛАЕВ, Шахобиддин АШУРОВ, Эрали РАҲМАТОВ(аъзолар)**

***Манзил:*** *140104, Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси 93-уй.* ***Телефон:*** *+99893 359-73-78*

Газета Ўзбекистон Республикаси Президенти Админстрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Самарқанд вилоят Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2020 йил 22 июлда 09-15 рақам билан рўйхатга олинган.

Газета **«INTELLEKT»** газетаси таҳририяти компьютерида саҳифаланди. «Шердор плюс полиграф» босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, 140100, Улуғ Турсунов кўчаси 82-уй.
Қоғоз бичими: А-2. Адади: 1000 Буюртма: № _______

*Босишга топшириш вақти: соат 10.00 да. 2021 й. 29 апрель*
*Босишга топширилди: соат 10.00 да*

*Баҳоси келишилган нархда*

*t - тижорат материал*

***Навбатчи муҳаррир:*** *А.АБДУРАИМОВ.*

***Саҳифаловчи:*** *В. АВАЗОВ.*

***Нашр индекси 5588***

***Таҳририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди. Муаллиф нуқтаи назари билан таҳририят фикри тўғри келмаслиги мумкин.***